# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 9

**Зарафшон шаҳри** 28 02 **2025 йил**

"TELECOM INNOVATIONS SERVICES" MCHJ" (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **директор Искандаров О.Х.** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Зарафшон шаҳар ҳокимлиги** (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Н. Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли товар (маҳсулот) ни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот) ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Модель - Моноблок M24-i3W CPU i3 1015 DDR4 | Дона | 2 | 6 000 000 | 12 000 000 |
| | 8gb/SSD 256 gb/key | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами:** | | | | **12 000 000** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: **12 000 000 (Ўн икки миллион)** сўм

**2. Товар (Маҳсулот) ни етказиб бериш муддати ва тартиби**

2.1. Товар (маҳсулот) нинг етказиб бериш муддати «31» декабрь 2025 йил
2.2. Товар (маҳсулот) ни етказиб бериш муддати ҳар бир маълум тўплам бўйича келишилади.
2.3. Товар (маҳсулот)ни сотувчи ўз транспортларида етказиб беради.
2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан амалга оширилади.
2.5. Етказиб бериш санаси бўлиб, товар (маҳсулот) нинг сотиб олувчи омборига келиб тушиш санаси хисобланади.

**3. Тўлов тартиби**

3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **12 000 000 (Ўн икки миллион)** сўм ни ташкил этади.
3.2 Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун **30** фоиз олдиндан туловни амалга оширади. Қолган **70** фоиз тўловни товарни кабул килгандан сўнг тулов амалга оширилади.
3.3. Тўлов шакли ҳисоб-китоб нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**4. Товар (Махсулот)нинг сифати**

4.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
4.2. Сотувчи тўпламда яроксиз махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
4.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
4.4. Ишлаб чикаришга оид нуқсонлари аникланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлик коплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган холда 10 кун ичида яроксиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

5.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка гортилади.

**7. Шартноманинг амал қилиш муддати**

7.1. Шартнома тарафлар имзо ва уз муҳрлари билан тасдиқлаб . Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-594** га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва «31» декабр 2025 гача амалда бўлади.
7.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
7.3 Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

**8.Форс-Мажор холатлари**

8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар оқибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб ҳисобланмайди.
8.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ва уларнинг таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
8.3. Форс-мажор ҳолатларини важ қилиб келтираётган тараф уларнинг тасдиғи сифатида ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.
8.4. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилади:
8.4.1. Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар;
8.4.2. Янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари;

**9. Корупцияга қарши қўшимча бандлар**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

**10. Низоларни ҳал қилиш**

10.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
10.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан суд тартибида ҳал қилинади

10.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Суд тартибида ҳал қилинади.

**11. Бошқа шартлар**

11.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала Тарафлар оркали имзоланиши керак.

**XI.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**«Таъминловчи»**
"TELECOM INNOVATIONS SERVICES" MCHJ"
(ижрочининг номи)
МанзилиНавоийская область,
KICHIK XALQA YO'LI KO'CHASI
тел\факс +99879 220-00-88 /
х\р 2020 8000 9006 9063 6001
Банк: Навоий вилояти Алокабанк филиали
МФО: 00401 ИНН: 304 425 812
ОКОНХ:

Рахбар Искандаров О.Х.
_______________
(имзо) М.Ў.

**«Истеъмолчи»**
**Зарафшон шахар хокимлиги**
(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили Марварид кучаси 1 уй
тел\факс 79-573-14-15_______________
ш\хв 100012860124087011502018003
бюджетдан маблағ олуви СТИРи 200010211
ОКОНХ 97600____________________
Ғазначилик бўлим номи: Зарафшон шаҳар
Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш МБ ҲККМ
МФО 00014
Ғазначилик бўлинмасиСТИРи 201122919

Рахбар: Н.И. Рахманов
_______________
(имзо) М.Ў.

Юрист: _______________ Шукуров И.

# NAVOIY VILOYATI ZARAFSHON SHAHAR HOKIMINING FARMOYISHI

2025-yil 12-fevral 31-5-78-F/25 Zarafshon shahar hokimligi

"Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 6-moddasi, O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 73-moddasi, shahar obodonlashtirish boshqarmasining 2025-yil 5-fevraldagi 01-07/29-son, shahar maktabgacha va maktab ta'lim bo'limining 2025-yil 10-fevraldagi 06/434-son xatlari hamda shahar hokimligi bosh hisobchisi Q. Xidirovning bildirgilariga asosan:

1. Shahar iqtisodiyot va moliya bo'limi (N. Xolov) shahar mahalliy budjetining zaxira mablag'lari hisobidan ilovaga asosan 107,5 mln (bir yuz yetti million besh yuz ming) so'm mablag' ajratsin.

2. Shahar g'aznachilik bo'linmasi rahbari (B. Oripov), shahar obodonlashtirish boshqarmasi (N. Kiyamov), shahar maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi (M. Tursunova) va shahar hokimligi bosh hisobchisi (Q. Xidirov) ajratilgan mablag'dan maqsadli va samarali foydalanilishini ta'minlasin.

3. Ushbu farmoyishning ijrosini nazorat qilish shahar hokimining birinchi o'rinbosari – iqtisodiyot va moliya bo'limi boshlig'i A. Shoxmirzayev zimmasiga yuklansin.

**Shahar hokimi** **N.Rahmanov**

Zarafshon shahar hokimining
2025-yil 12-fevraldagi
31-5-78-F/25-son farmoyishiga
1-ilova

| T/r | Muassasa nomi | Maqsadi | Summasi (ming so'mda) |
|---|---|---|---|
| 1. | Shahar obodonlashtirish boshqarmasi | shahar obodonlashtirish boshqarmasiga kerakli xo'jalik mollarini (chelak, supurgi, belkurak, ketmon va boshqalar) sotib olish xarajatlariga | 10 000,00 |
| 2. | Shahar maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi | ta'mirlash ishlari amalga oshirilayotgan 16-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotiga yangi eshiklar sotib olish xarajatlariga | 40 000,00 |
| 3. | Shahar hokimligi | shahar hokimligi moddiy-texnik bazasini rivojlantirish (konditsioner) xarajatlariga | 6 000,00 |
| | | shahar hokimligi moddiy-texnik bazasini rivojlantirish (kompyuter va printer) xarajatlariga | 33 000,00 |
| | | Zarafshon shahrida xatlov (migratsiya shtabi va xotin-qizlar shtablari uchun) o'tkazish maqsadida 30 000 dona blank sotib olish xarajatlariga | 7 500,00 |
| | | 3 dona isitish batareyasi sotib olish xarajatlariga | 2 500,00 |
| | | shahar hokimligiga kanselyariya mollari va qog'oz mahsuloti sotib olish xarajatlariga | 8 500,00 |
| | **JAMI:** | | **107 500,00** |